



Ислом Нури

«Агар ухламоқчи бўлсангиз намозга таҳорат олгандай таҳорат олинг, сўнгра ўнг томонингиз билан ётиб, ушбу дуони ўқинг:»

«Аллоҳумма асламту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту зоҳрий илайка роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжаа ва ла манжа минка илла илайк, Аллоҳумма аманту бикитабикал-лазий анзалта ва бинабиййикал-лазий арсалта». Бу дуолар охирги айтган сўзларингиз бўлсин, агар шу кеча вафот топсангиз фитрат-исломда вафот этасиз», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳу шундай дейди: Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар ухламоқчи бўлсангиз намозга таҳорат олгандай таҳорат олинг, сўнгра ўнг томонингиз билан ётиб, ушбу дуони ўқинг:

{Аллоҳумма асламту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту зоҳрий илайка роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжаа ва ла манжа минка илла илайк, Аллоҳумма аманту бикитабикал-лазий анзалта ва бинабиййикал-лазий арсалта.}

“Аллоҳумма асламту важҳий илайка ва фаввазту амрий илайка ва алжаъту зоҳрий илайка роғбатан ва роҳбатан илайк, ла малжаа ва ла манжа минка илла илайк, Аллоҳумма аманту бикитабикал-лазий анзалта ва бинабиййикал-лазий арсалта”. Бу дуолар охирги айтган сўзларингиз бўлсин, агар шу кеча вафот топсангиз фитрат-исломда вафот этасиз», дедилар.

(Маъноси: Эй Аллоҳ, юзимни-ўзимни Сенга таслим этдим. Сенинг савобингни умид этиб, азобингдан қўрққан ҳолда ишимни сенга топширдим ва Сенга суяндим. Сендан қочсам ҳам барибир Ўзингга



Ислом Нури

қайтиб бораман. Нозил этган китобингга, юборган пайғамбарингга иймон келтирдим.)

«...»

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Хузайфа розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси уйқуга ётганларида қўллари юзлари остига қўяр, кейин шундай дер эдилар: {...} (Маъноси: Эй Аллоҳ, Сенинг исминг билан ўламан ва тириламан). Агар уйғонсалар: {...} (Маъноси: Бизни ўлдиргандан сўнг яна ҳаётга қайтарган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Қайтишлик Унинг ҳузуригадир», дер эдилар.

«...»

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абу Хурайра розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қорни билан дум тушиб ётган бир кишини кўриб: Бу – Аллоҳ яхши кўрмайдиган ётишдир», дедилар.



Шарҳ:

Ухлашда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига ўргатган ўзига хос одоб ва суннатлар бор. Таҳорат билан ётиш, ухлаганда ва турганда айтиладиган зикр-дуоларни айтиш ва ўнг томони билан ётиш каби. Мусулмон киши ухлаганда ҳам суннатга эргашиб ва шайтондан қўрғонланган ҳолатда, тинч, хотиржам ухлаши учун ушбу суннат ва одобларга риоя қилиб ухламоғи керак.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Таҳорат билан ухлаш суннат.
2. Ўнг томони билан ётиб, уйқу олдида ўқиладиган зикр-дуоларни ўқиш суннат
3. Қорнини ерга қилиб ётиш макруҳ.